
ТИМОТИ ТОРЛОТ:- ФАРҒОНАГА МАФТУН БЎЛИБ ҚОЛДИМ

Ўзбекистон ва Буюк Британия муҳим халқаро шерик ҳамда стратегик ҳамкор саналади. Шу ўринда айтиш керакки, Буюк Британия дунёнинг улкан сиёсий, иқтисодий, технологик ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган етакчи ва нуфузли мамлакатларидан биридир.

Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев Буюк Британия бирлашган қироллигининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Тимоти Торлотни қабул қилди.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги анъанавий дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатлари охириги йилларда изчил ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Жумладан, 2019 йилда имзоланган “Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим” икки давлат орасидаги ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишлигини, ўтган йилнинг ўзида Фарғона вилояти билан Буюк Британия ўртасидаги ўзаро ташқи савдо айланмаси 1 млн. долларни ташкил этганлигини айтди. Шунингдек, бугунги кунда вилоятда Буюк Британия капитали иштирокидаги 12 та корхоналар фаолият олиб бораётганлиги, унда 2,5 мингдан ортиқ ишчи хизматчилар меҳнат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашув чоғида 4 та устувор йўналишлар бўйича: таълим, соғлиқни сақлаш, молиявий хизматлар ва рақамли иқтисодиёт ҳамда ҳунармандчилик, туризмга оид лойиҳаларни амалга ошириш борасида ўзаро фикр алмашишди.

- Фарғонага иккинчи маротаба келишим. Илк бор Қўқонда халқаро ҳунармандчилик фестивалида қатнашганман. Фарғона халқининг меҳнатсеварлиги, миллий қадриятларига садоқати, ипак матолари-ю қўлда ишланган ҳунармандчилик буюмларидан ҳамон таъсирдаман. Бу галги расмий ташриф чоғимда вилоятнинг қишлоқ хўжалик майдонлари, боғ-роғлари, саноат, қурилиш соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишиш имқониятига эга бўлдим. Европа Иттифоқидан чиққан Буюк Британия бирлашган қироллигининг Ўзбекистон, хусусан Фарғона вилояти билан ҳар томонлама ҳамкорлиги ижобий натижа беришига ишончим комил. Фарғона халқи софдил ва қалби дарё экан,-дейди Тимоти Торлот жаноблари.

Ўзаро ҳурмат ва самимий руҳда ўтган учрашув сўнггида меҳмонга эсдалик совғаси топширилди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати.

Facebook, Telegram, Веб сайт, YouTube

2020-02-19 15:57:01